

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

## Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

2/S-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/2 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холиқулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолiddиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабобевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

## **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Полвонов Козимбек*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД  
МАЪЛУМОТЛАР ..... 10-15

*Hadjamuratova Matlyuba*

МАКТАВГАСНА ТА’ЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЎТИМОИЙ НИМОYA QILISHGA INNOVATSION  
YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI ..... 16-21

*Шовкатов Шокир Шовкат ўғли*

АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР ..... 22-31

*Mo‘minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o‘g‘li*

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O‘ZGARISHLAR VA  
ULARNING ANAMIYATI ..... 32-36

*Пардаев Асрор*

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ  
МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ..... 37-42

## **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи*

ЖАХОНДА ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 43-52

*Рахманов Зафар*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ ..... 53-62

*Аминов Фазлитдин Бахадирович*

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ..... 63-70

*Курбонова Шахринос Авазхоновна*

ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР  
ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ..... 71-81

*Azimova Hulkar Egamberdiyevna*

KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O‘RNI ..... 82-87

*Rajabov Orzujon Mamasoliyevich*

LOGISTIKA XIZMATLARINI KO‘RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF  
THINGS)DAN FOYDALANISH ..... 88-93

*Саидов Сарвар Хайруллоевич*

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ..... 94-104

*Сержанов Аймурат Медетбаевич*

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ  
ЗАРУРИЯТИ ..... 105-111

*Туробов Шерзод Алишеревич, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ..... 112-119

*Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi*

O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA HORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH  
YO‘LLARI ..... 120-126

*Temirova Feruza Sagdullayevna*  
XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK ..... 127-132

*Sharipova Shaxzoda Xasanovna*  
YANGI O'ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 133-138

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Алимова Шахноза Хамидовна*  
НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК  
ГУРУҲ СИФАТИДА ..... 139-147

*Асракулова Адиба Набиевна*  
“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ  
ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ  
АҲАМИЯТИ ..... 148-154

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Teshabayeva Dilfuza Muminovna*  
LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS  
MEDIA ..... 155-160

*Rustamov Ilhom Tursunovich, Inog'omjonova Robiya Rustamjon qizi*  
INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING  
TADQIQOTLARI VA QARASHLARI ..... 161-165

*Abdikhmidova Sevinch Obidjon kizi*  
PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS ..... 166-170

*Djurakulova Elmira Suyunova*  
SHOYIM BO'TAYEV ROMANLARIDA BADIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN ..... 171-177

*Dalieva Madina Khabibullaevna*  
THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR ..... 178-183

*Жўраева Ирода Ахмедовна*  
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУФАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ..... 184-189

*Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna*  
INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI  
BIRLIKLARINING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI ..... 190-193

*Irgasheva Shoxida Sadriddinovna*  
INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH  
XUSUSIYATLARI ..... 194-200

*Tursunova Zarina Farxodovna*  
LINGVISTIKADA EMOTLARNI O'RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI  
ASOSIDA)..... 201-205

*Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich*  
PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF  
TURKOPHONES ..... 206-212

*Radjabova Hafiza Shukrulloevna*  
INGLIZ VA O'ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI ..... 213-220

*Avezova Dilovar Salimovna*  
TAXALLUSLARNI O'RGANISHNING NAZARIY JIHATI ..... 221-225

|   |         |
|---|---------|
| <i>Alikberova Kamila Adhamovna</i><br>A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION .....  | 226-232 |
| <i>Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi</i><br>THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS .....   | 233-238 |
| <i>Valieva Nargizakhon Zamir kizi</i><br>COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY<br>KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT ..... | 239-244 |
| <i>Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna</i><br>RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL<br>TASNIFI .....  | 245-251 |
| <i>Alimova Kamola Tursunovna</i><br>CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS .....  | 252-258 |
| <i>Сейтумбетова Айкумар Пулатбаевна</i><br>ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В<br>АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ.....                             | 259-264 |
| <i>Бегжанова Айсилу Махмудовна</i><br>ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР<br>ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....  | 265-270 |
| <i>Kubanova Ilmira Sharifovna</i><br>EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE<br>ANALYSIS .....  | 271-275 |
| <i>Azamjonova Sarvinoz</i><br>USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA .....  | 276-282 |
| <b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>   |         |
| <i>Muxiddinova Dildora Muxiddinovna</i><br>O‘ZBEKISTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KIOTO KONVENSIYASINI JORIY ETISHNING<br>HUQUQIY JIHLTLARI VA JSTGA A‘ZOLIKNING TA‘SIRI .....               | 283-292 |
| <i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o‘g‘li</i><br>SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLIVAVIY<br>NAZORATI INSTITUTINING MUHIM OMILI .....                              | 293-298 |
| <i>Mustanov Ixom Abdivalijonovich</i><br>BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY<br>JIHLTLARI .....   | 299-304 |
| <i>G‘oyibov Jo‘rabek Choriyevich</i><br>YOSHLAR MIGRATSIYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI .....  | 305-309 |
| <b>13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>  |         |
| <i>Kuziyev Otabek Chuliyevich</i><br>TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO‘NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING<br>MUHIM UCH BOSQICHI .....  | 310-314 |
| <i>Fattaxova Diloram</i><br>TIL O‘QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI .....   | 315-321 |
| <i>Moydinova Elmira</i><br>APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY  |         |



|   |         |
|---|---------|
| CLASSROOM .....   | 322-326 |
| <i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>  |         |
| ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODEL KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI .....                    | 327-333 |
| <i>Doniyorova Gulrux Shoniyozovna</i>   |         |
| AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI .....               | 334-338 |
| <i>Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna</i>   |         |
| RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMINING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI .....             | 339-344 |
| <i>Xo'jamberdiyeva Dilfuza Ikramovna</i>  |         |
| DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA .....                                    | 345-351 |
| <i>Mamaraimov Bekzod Qodirovich</i>   |         |
| O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI .....                           | 352-356 |
| <i>Xudayberdiev Nurislam Nuralievich</i>  |         |
| BO'LAJAK O'QITUVCHILARINING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILIIY-PEDAGOGIK MEXANIZMI .....                             | 357-363 |
| <i>Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich</i>   |         |
| TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT: IMKONIYAT VA CHEGARALAR .....                                  | 364-369 |
| <i>Teshaboyeva Shahodat</i>   |         |
| ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI .....   | 370-375 |
| <i>To'rayeva Dilnoza Ismoilovna</i>   |         |
| RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA ..... | 376-380 |
| <i>Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna</i>  |         |
| MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA INNOVATSION JARAYONLAR .....   | 381-388 |
| <i>Dusyarov Salimjon Xudaymurotovich</i>  |         |
| HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH .....  | 389-393 |

**Курбонова Шахриноз Авазхоновна,**  
Фарғона политехника институти, таянч докторанти  
e-mail: sh.kurbonova@ferpi.uz

### **ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада асосий воситаларни корхона фаолияти ишлаб чиқариш омили сифатида тутган ўрни, асосий воситалар молиявий таҳлили бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган хорижий ва мамлакатимиз олимларини ишлари батафсил ўрганилган, таҳлил қилинган. Шунингдек асосий воситалар молиявий таҳлилини замонавий тенденциялари – энергия тежамкорлик, экологик хавфсиз ва МҲХСлари талаблари бўйича асосий воситаларни тан олиш ҳамда уларни гуруҳлаш асосида баҳолаш учун кўрсаткичлар тизими таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** молиявий таҳлил, асосий воситалар, кўрсаткичлар, амортизация, ҳисобот даври, инвестицион кўчмас мулк, сотиш учун мўлжалланган асосий воситалар, бошланғич қиймат, баланс қиймати, тугатиш қиймати, ҳисодан чиқариш ва бошқалар.

---

**Kurbonova Shaxrinov Avazxonovna,**  
Fergana polytechnic institute, doctoral student

### **SPECIFIC ASPECTS OF THE ANALYSIS OF FIXED ASSETS IN THE PROCESSES OF ECONOMIC DIVERSIFICATION**

**Abstract.** The article examines and analyzes in detail the role of fixed assets as a factor in the production activity of the enterprise, the work of foreign and domestic scientists who conducted scientific research on the financial analysis of fixed assets. A system of indicators was also proposed to evaluate the financial analysis of fixed assets based on current trends – recognition of fixed assets in terms of energy efficiency, environmental safety and IFRS requirements, as well as their grouping.

**Key words:** financial analysis, fixed assets, indicators, depreciation, reporting period, investment property, fixed assets for sale, initial cost, book value, final value, disposal, etc.

---

**Курбонова Шахриноз Авазхоновна,**  
Ферганский политехнический институт, докторант

### **СПЕЦИФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ АНАЛИЗА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ В ПРОЦЕССАХ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ЭКОНОМИКИ**

**Аннотация.** В статье подробно рассматривается и анализируется роль основных средств как фактора производственной деятельности предприятия, работы зарубежных и отечественных ученых, проводивших научные исследования по финансовому анализу основных средств. Также была предложена система показателей для оценки финансового анализа основных средств на основе современных тенденций – признания основных средств с точки зрения энергоэффективности, экологической безопасности и требований МСФО, а также их группировки.

**Ключевые слова:** финансовый анализ, основные средства, показатели, амортизация, отчетный период, инвестиционная недвижимость, основные средства для продажи, первоначальная стоимость, балансовая стоимость, конечная стоимость, выбытие и т.д.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N09>

**Кириш.** Асосий воситалар саноат ривожланишининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Асосий воситалар - бу жорий даврда сотиш учун мўлжалланмаган, аммо келажакда бошқа товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган моддий объектлар. Агар капитал таркибидаги бино, станок ва ускуналар бўлмаганда саноат ҳозирги кўринишида бўлмас эди. Ишлаб чиқаришга асосий воситаларни жорий этиш ва уларни даврлар оша такомиллаштириб бориш меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди. Қўл меҳнати механик меҳнат билан алмаштирилди, кейинчалик эса автоматлаштирилиб, роботлаштирилган тизимларга ўтилди. Бу эса ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тезлиги ва аниқлигини оширди. Бундан ташқари, капитал таркибидаги инновацион техника, ускуна жиҳозларни мавжудлиги янада мураккаб ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек уларни катта ҳажмларда ишлаб чиқариш имконини беради.

Асосий воситалардан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва таннархини камайтириш имконини берди. Шунингдек, станок ва ускуналар ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва хато ва нуқсонлар сонини камайтириш имконини беради. Бундан ташқари, саноатга янги технологиялар ва капитал ускуналарнинг жорий этилиши илмий-техникавий тараққиётнинг ривожланишини рағбатлантиради, бу эса ўз навбатида янада илғор ва самарали машина ҳамда ускуналар яратиш имконини беради. Умуман олганда капитал элементи бўлган асосий воситалар саноатни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни пасайтириш ва фан-техника тараққиётини рағбатлантиришда муҳим рол ўйнаган ҳамда ўйнамоқда.

Корхона фаолиятини молиявий таҳлилда кўплаб иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашда асосий воситалар қийматидан объект сифатида фойдаланилади. Шу сабабли асосий воситаларни тўғри тавсифлаш, уларни ҳаққоний баҳода акс эттириш молиявий таҳлил натижаларини объективлигини таъминлашга хизмат қилади ва бу ўз навбатида бошқарувда самарали иқтисодий қарорлар қабул қилинишига ўзини ижобий таъсирини кўрсатади. Таҳлил объектларини тўғри таснифланиши ва баҳоланиши инвесторлар учун самарали инвестицион қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

**Адабиётлар таҳлили.** Молиявий таҳлил - бу корхоналарнинг очиқ, яъни эълон қилинган молиявий ҳисоботларининг ахборотларига асосланиб ўтказиладиган таҳлилдир. Шу сабабли молиявий таҳлил корхонанинг молиявий менежерлари томонидан ҳам, акциядорлар ёки таъсисчилар томонидан ҳам, ташқи фойдаланувчилар – инвесторлар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари, банклар, суғурта компаниялари томонидан ҳам ўтказилиши ва корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо берилиши мумкин.

Асосий воситалар молиявий таҳлили молиявий таҳлилнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланиб, бу бўйича бир қанча хорижий ва юртимиз олимлари тадқиқотлар олиб борганлар. Олиб борилган тадқиқотларнинг асосий мақсади албатта асосий воситалардан самарали фойдаланиш натижаларига эришиш бўлган. Молиявий таҳлил, хусусан асосий воситалар молиявий таҳлили бўйича Ўзбекистонлик

олимларидан М.Қ.Пардаев, А.Х.Шоалимов, [12], Б.И.Исроилов, Э.А.Акрамов, А.Т.Иброҳимов, А.В.Ваҳобов, [13], Ш.И.Илхомов, Н.Ишонқулов, В.В.Эргашбоев, Д.Кудбиев [14], И.Н.Исманов [15], А.Пардаев, Б.Хасанов, О.Жуманов, И.Т.Абдукаримов, Россиялик таниқли иқтисодчи олимлардан А.Д.Шеремет, Н.Н.Селезнева, М.В.Мельник, П.В.Тальмина, В.Г.Когденко, Е.В.Негашев, В.В.Ковалев, Э.Б.Фигурнов, М.И.Баканов, С.А.Сироткин, Н.Р.Кельчевская ва бошқа иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар [16].

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги бўйича хорижий олимлардан У.Детмер, С.Кови, Х.Лейбенстайн, А.Томпсон, Д.Формби, Р.Хиггинс, К.Хизер, Г.Шмален ва бошқалар илмий ишлар олиб борганлар.

Таниқли иқтисодчи олим А.Д.Шеремет асосий воситалар таҳлилини амалга оширишни ўзига хос методологиясини илгари суради. У илмий ишларида асосий воситалар таҳлилини айланмадан ташқари активлар таркибида, 3 босқичда – 1) асосий фондларнинг ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш; 2) асосий фондлардан фойдаланиш таҳлили; 3) асосий воситалардан фойдаланиш кўрсаткичларининг омили таҳлили орқали амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди [4; 116-б]

Яна бир россиялик иқтисодчи олим Н.Н.Селезнева асосий воситалар таҳлилини 6 босқичда - 1) корхонанинг асосий фондларга капитал қўйилмаларининг ҳажми ва таркибини баҳолаш (асосий воситалар ҳаракати кўрсаткичларини горизонтал таҳлили); 2) Содир бўлган ўзгаришлар характери ва йўналишини аниқлаш (асосий воситалар ҳаракати кўрсаткичларини вертикал таҳлили); 3) Капитал унумдорлиги (фонд қайтими) таҳлили. Капитал унумдорлиги(фонд қайтими) ўзгаришини омили таҳлили; 4) Асосий фондларнинг рентабеллиги таҳлили; 5) Ишлаб чиқариш ускуналари паркидан фойдаланишни таҳлили; 6) Вақт бўйича ускунадан фойдаланиш (ускуналарнинг иш вақти баланси) таҳлили [5; 248-б].

С.А.Сироткин ва Н.Р.Кельчевская асосий воситалар таҳлиliga инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш нуқтаи назаридан ёндашиб, 2 босқичга - 1) асосий фондларнинг ҳолати, тузилиши ва ҳаракатини таҳлили ва 2) асосий воситалардан фойдаланиш ҳолатини таҳлиliga ажратади [6; 102-б].

В.В.Ковалев ва В.В.Петровлар молиявий таҳлилни икки босқичда ўтказилишини тавсия этишган. Бу икки босқични ҳар бири ўз навбатида бир неча йўналишни қамраб олади. Биринчи босқичда таҳлил ишлари корхонанинг умумий молиявий ҳолати, унинг иқтисодий салоҳияти ва молиявий-хўжалик фаолиятини яқунлари натижалари йўналишларини қамраб олса, иккинчи босқичда корхона мол-мулки, баланс ликвидлиги, молиявий мустақиллиги, ишчанлик фаоллиги, корхона рентабеллиги ва бозорга оид фаоллиги таҳлили йўналишларида олиб борилади [7; 85-б].

Э.А.Акрамов “Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили” номли ўқув қўлланмасида [8; 56-б] асосий воситалар молиявий таҳлилини умумий молиявий ҳолат таҳлилини элементи сифатида кўрсатган. Лекин шуни қайд этиш лозимки, мазкур адабиётда асосий воситалар таҳлили методологияси очиб берилмаган.

А.В.Ваҳобов ва А.Т.Иброҳимовлар “Молиявий таҳлил” дарслигида [9; 68-б] асосий воситалар таҳлили методологияси бўйича батафсил маълумот беришган ва олти босқичда амалга ошириш тартибини кўрсатганлар. И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроиловлар “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили” [10; 79-б] китобида

асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичларни уч гуруҳга ажратишади. Булар, асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Шунингдек профессор Д.Кудбиев ҳам асосий воситалар таҳлилини юқорида санаб ўтилган йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди [11; 42-б].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, комплекс ёндашув, тизимли-функционал ёндашув, ретроспектив ёндашиш, қиёсий таҳлил, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.


**Таҳлил ва натижалар.** Асосий воситалар корхона ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, унинг унумдорлиги, рақобатбардошлиги ва рентабеллигига бевосита таъсир қилади. Асосий воситалар (капитал элементи) таркибига бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, транспорт воситалари ва маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган бошқа моддий объектлар киради. Асосий воситалар иқтисодиётда муҳим ўрин тутаяди, чунки улар кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. Улар, шунингдек, корхонанинг рақобатбардошлигини белгиловчи асосий элементлардан биридир.

“Асосий воситалар” тушунчаси бухгалтерия ва солиқ ҳисоби учун муҳимдир, чунки улар компаниянинг бухгалтерия балансида акс эттирилади, амортизацияланади, бунда уларнинг қиймати фойдали муддати давомида бўлиб-бўлиб ҳисобдан чиқарилади ҳамда маҳсулот ёки хизматлар таннархига, фойдага ва бюджетга тўланадиган солиқлар мол-мулк солиғи, фойда солиғи, ҚҚСга бевосита таъсир кўрсатади [9].

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексида асосий воситаларга қуйидагича таъриф берилган – “Ўзбекистон Республикасида бирлик (тўплам) учун белгиланган (асосий восита сифатида эътироф этилган санадаги), қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридан юқори бўлган, солиқ тўловчида мулк ҳуқуқи асосида турган (агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса) ва солиқ тўловчи томонидан товарларни ишлаб чиқаришда (хизматлар кўрсатишда) ёки маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун узоқ вақт (давомийлиги ўн икки ойдан ортиқ вақт) мобайнида фойдаланиладиган мол-мулк солиқ солиш мақсадларида асосий восита деб эътироф этилади” [1].

Мамлакатимизда яқин йилларгача барча хўжалик субъектлари бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш, яъни уларни тан олиш, баҳолаш, амортизацияси 5-сон “Асосий воситалар” номли БҲМСда тартибга солинган. Мазкур БҲМСда асосий воситаларга қуйидагича таъриф берилган: “Асосий воситалар — корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар” [2]. БҲМС талабига кўра бир вақтнинг ўзида бир йилдан ортиқ хизмат муддатига эга, бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар киради. Шу билан бирга корхона раҳбари

ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга.



**1-расм. Асосий воситалар ҳолати ва улардан фойдаланиш ҳолати таҳлилининг таркибий қисмлари<sup>1</sup>.**

“Асосий воситалар” номли 16-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида асосий воситаларга қуйидагича таъриф берилган – “Асосий воситалар – қуйидагилар учун мўлжалланган моддий активлардир:

а) маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш, ёки хизматларни кўрсатиш, ёки бошқа томонларга ижарага бериш, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган; ва

б) бир даврдан узоқроқ муддат давомида фойдаланилиши кутилган”[3].

Бу стандартда асосий восита сифатида тан олинishi учун актив(меҳнат қуроли)нинг қийматига бирон бир чеклов ёки талаб қўйилмаган.

Асосий восита сифатида тан олиш масаласини Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти билан Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари ўртасидаги аҳамияти шундан иборатки БҲМС асосий восита сифатида тан олинган активларни барчаси ҳам МҲХС бўйича асосий восита сифатида тан олинавермайди. БҲМС бўйича асосий восита сифатида тан олинган асосий воситалар БҲХС ва МҲХСлари бўйича 3 турдаги активга ажратилади. Яъни, асосий воситалар, инвестицион мулк ва сотиш учун мўлжалланган асосий воситалар.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Молиявий таҳлилда асосий воситалардан умумий рентабеллик, узоқ муддатли активларни айланиши, молиявий барқарорлик, молиявий мустақиллик кўрсаткичларини аниқлашда объект сифатида фойдаланилади. Шунингдек асосий воситалар ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлили молиявий таҳлил алоҳида бир объекти ҳисобланади. Асосий воситаларни таҳлил қилишнинг мақсади бўлиб, асосий воситалар ҳолатини объектив баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш манбаларини излаш ҳисобланади. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, асосий воситаларни таҳлил қилишнинг асосий вазифаларига корхонанинг асосий воситалар билан таъминланишини аниқлаш, асосий фондларнинг техник ҳолатини ўрганиш, асбоб-ускуналардан вақт ва қувватдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш, асосий фондлардан фойдаланишнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш, капитал унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини, шунингдек, асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш орқали фойдани ошириш учун захираларни аниқлаш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Асосий воситаларни таркиби ва ҳаракатини таҳлил қилиш жараёнида асосий воситаларга капитал қўйилмаларинг ҳажми, динамикаси ҳамда структурасини баҳолаш, уларни ишлаб чиқариш ёки бошқарув фаолиятига таълиқлиги каби асосий функционал хусусиятларини аниқлаш зарур. Корхонанинг асосий воситаларининг давр охиридаги қолдиғи баланс усули билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$AB_{\kappa} = AB_{\beta\kappa} + AB_{\kappa} - AB_{\chi}$$

Бу ерда:

$AB_{\kappa}$  - асосий воситаларининг давр охиридаги қолдиғи;

$AB_{\beta\kappa}$  – Асосий воситаларни давр бошидаги қиймати;

$AB_{\kappa}$  – ҳисобот даврида олинган (кирим қилинган) асосий воситалар;

$AB_{\chi}$  – ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар.

1-жадвал.

**Асосий воситаларнинг таркиби ва ҳаракати динамикаси<sup>1</sup>**

| Асосий воситалар элементлари | Давр бошига |               | Кирими (сўмда) | Чиқими (сўмда) | Давр охирига |               | Ўсиш суръати, % |
|------------------------------|-------------|---------------|----------------|----------------|--------------|---------------|-----------------|
|                              | Қиймати     | Салмоғи, % да |                |                | Қиймати      | Салмоғи, % да |                 |
| Бинолар                      |             |               |                |                |              |               |                 |
| Бошқалар                     |             |               |                |                |              |               |                 |
| <b>жами:</b>                 |             | <b>100%</b>   |                |                |              | <b>100%</b>   |                 |

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аксарият ҳолатларда асосий воситаларнинг таркиби ва ҳаракати динамикаси таҳлил қилиниши жараёнида асосий воситаларни БҲМСлари талаблари асосида кирим ёки чиқими маълумот сифатида олинади. Лекин БҲХСлари талаби бўйича бу бир мунча фарқланиши мумкин. Чунки, БҲМС бўйича асосий восита ҳисобланган элементлар БҲХС талабларида асосий воситалар, сотиш учун мўлжалланган асосий воситалар, инвестицион кўчмас мулк, биологик активлар каби элементларга туркумланиши мумкин.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таҳлил жараёнида асосий воситаларни кирими ва чиқими натижасида уларни таркиби қандай ўзгарганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, асосий воситаларнинг таркиби ва тузилишини таҳлил қилиш жараёнида асосий воситаларнинг умумий қийматида алоҳида турдаги асосий воситаларни улушини аниқлаш зарур. Корхонанинг асосий воситалари таркибини таҳлил қилиш улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида маблағлар таркибини оптималлаштириш чораларини кўриш имконини беради. Йиллар давомида асосий воситалар таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали асосий воситалар таркиби динамикасини аниқроқ кўриш мумкин. (2-жадвал).

2-жадвал.

**Асосий воситалар таркибий ўзгаришларнинг йиллар давомидаги динамикаси<sup>1</sup>**

| Асосий воситалар элементлари | Йил бошига |               | Йил охирига |               | Йил давомидаги ўзгаришлар динамикаси |               |
|------------------------------|------------|---------------|-------------|---------------|--------------------------------------|---------------|
|                              | Қиймати    | Салмоғи, % да | Қиймати     | Салмоғи, % да | Қиймати                              | Салмоғи, % да |
| 1                            | 2          | 3             | 4           | 5             | 6=4-2                                | 7=5-3         |
| Бинолар                      |            |               |             |               |                                      |               |
| Бошқалар                     |            |               |             |               |                                      |               |
| <b>жами:</b>                 |            |               |             |               |                                      |               |

Асосий воситаларни таҳлил қилишда асосий кўрсаткичлардан бири корхонанинг асосий воситаларининг ўртача йиллик қиймати ҳисобланади ва бу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$AB_{\text{ўқ}} = AB_{\text{бқ}} + (AB_{\text{кқ}} * KO_{\text{Ао}}) / 12 - TAB_{\text{қ}} * (12 - M) / 12$$

Бу ерда:

AB<sub>ўқ</sub> - асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати;

AB<sub>бқ</sub> - асосий воситаларнинг бошланғич қиймати;

AB<sub>кқ</sub> – киримга олинган асосий воситаларнинг қиймати;

KO<sub>Ао</sub> – киримга олинган асосий воситаларни ишлаган ойлари сони;

TAB<sub>қ</sub> – тугатилган А/В қиймати;

M – ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг ишлаган ойлари сони.

Асосий воситалар ҳаракати ва техник ҳолатини аниқлаш учун асосий воситалар ҳаракати кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқиш зарур бўлади. Бу кўрсаткичларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

2-жадвал.

**Асосий воситалар ҳаракати кўрсаткичлари тизими<sup>2</sup>**

| № | Кўрсаткич номи                           | Формулasi  | Изоҳ  |
|---|--|--|---|
| 1 | Асосий воситаларнинг қоплаш коэффициенти | $K_{\text{қав}} = AB_{\text{бқ}} / AB_{\text{кқ}}$ | Бу ерда: AB <sub>бқ</sub> - асосий воситани бошланғич қиймати; AB <sub>кқ</sub> - ҳисобот даври бошига асосий воситани қолдиқ қиймати |

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



|    |   |                                 |   |
|----|---|---------------------------------|---|
| 2  | Янгилаш коэффиценти   | $Кавя = ЯАВбқ / АВққ$           | <b>Бу ерда:</b> ЯАВбқ – янги олинган асосий воситани бошланғич қиймати;           |
| 3  | Янгилаш интенсивлиги коэффиценти  | $Кяи = ТАВқ / ЯАВбқ$            | <b>Бу ерда:</b> ТАВқ - тугатилган А/В қиймати;                                    |
| 4  | Асосий воситаларни янгилаш қўлами коэффиценти   | $Кяк = ЯАВбқ / АВдбқ$           | <b>Бу ерда:</b> АВдбқ - А/Вни давр бошига қиймати;                                |
| 5  | Алмаштириш коэффиценти  | $Кава = ТАВҳдқ / ЯАВҳдқ$        | <b>Бу ерда:</b> ТАВҳдқ – ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган А/Вни қиймати;       |
| 6  | Барқарорлик коэффиценти   | $Кб = (АВдбқ - ТАВҳдқ) / АВдбқ$ |   |
| 7  | Яроқлилик коэффиценти   | $Кя = АВққ / АВбқ = 1 - Кава$   | <b>Бу ерда:</b> АВққ – А/Вларни қолдиқ қиймати; АВбқ- А/Вларни бошланғич қиймати; |
| 8  | Асосий воситаларнинг амортизация коэффиценти ёки асосий воситаларни техник ҳолати ( <b>Кава</b> ) | $Кава = А / АВбқ$               | <b>Бу ерда:</b> А- асосий воситаларни жамғарилган амортизация суммаси             |
| 9  | Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш коэффиценти   | $Кхч = ТАВҳдқ / АВдбқ$          |   |
| 10 | Инвестицион мулкка ўтказиш имконияти коэффиценти  | $Ким = АВкм / АВдбқ$            | <b>Бу ерда:</b> АВкм-асосий воситаларни кўчмас мулк қисми.                        |

Жадвалнинг 10-сатрида келтирилган коэффицент асосий воситаларни молиявий ҳисобни халқаро стандартлари мезонлари бўйича тан олиш асосида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар асосида ишлаб чиқилди. Чунки корхона кўчмас мулк шаклидаги асосий воситалар – бино, иншоот ва шунга ўхшаш мулкларни айримларини қисман ёки тўлиқ оператив ижарага бериш орқали даромад олиши мумкин. Бу ҳолатда мазкур мулклар асосий восита таснифидан инвестицион кўчмас мулк таснифига ўтказилади.

Тадқиқот давомида Қува текстил корхонасининг асосий воситалари таркиби ва ҳолати ўрганилди. Корхона Қува шаҳрида жойлашган. Шунингдек корхонани Қувасой шаҳридаги собиқ Чинни заводи ҳудудида жойлашган саноат зонасида жойлашган бўлинмаси бор. Ўрганишлар давомида корхонада жами 687 турдаги 14431 та асосий восита мавжудлиги аниқланди. Бу асосий воситаларни .. таси тўлиқ амортизация қилинган, лекин ҳозирги кунда бу асосий воситалардан фойдаланилади. Корхона асосий воситаларини 2023 йил 31 декабр ҳолатига бошланғич қиймати 267 428 526 476,00 сўми, жамғарилган амортизация қиймати 104 288 190 193 сўми, қолдиқ қиймати эса 163 140 336 282 сўми ташкил этган. Амортизация муддати (фойдаланиш муддати) бутунлай тугаган, лекин ҳозирда фойдаланилаётган асосий воситалар қиймати 3 470 650 905 сўм.

Биз бу маълумотлар асосида асосий воситалардан самарали фойдаланиш ҳолатини таҳлили бўйича амалларни бажарамиз. Бунда аввало асосий воситаларнинг қоплаш коэффицентини аниқлаб оламиз:

$$Кқав = АВбқ / АВққ$$

$$K_{\text{қав}} = 267\,428\,526\,476 / 163\,140\,336\,282 = 1,64$$

Демак, асосий воситаларга қилинган харажатларни 64 фоизи қопланган. Энди биз барқарорлик коэффициентини ҳисоблаб чиқамиз:

$$K_{\text{б}} = (A_{\text{Вдбқ}} - T_{\text{АВхдқ}}) / A_{\text{Вдбқ}}$$

$$K_{\text{б}} = (267\,428\,526\,476 - 3\,470\,650\,905) / 267\,428\,526\,476 = 0,987$$

Демак, барқарорлик коэффициенти 0,987 ни ёки фойдали хизмат муддати ўтмаган асосий воситаларни жами асосий воситаларга нисбати ёхуд салмоғи 98,7 фоизни ташкил этмоқда.

Навбатдаги таҳлилимиз асосий воситаларни яроқлилиқ коэффициенти, Асосий воситаларнинг амортизация коэффициенти ёки асосий воситаларни техник ҳолати коэффициенти, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш коэффициенти ва инвестицион мулкка ўтказиш имконияти коэффициентларни ҳисоблашдан иборат.

$$K_{\text{ава}} = A / A_{\text{Вбқ}};$$

$$K_{\text{ава}} = 104\,288\,190\,193 / 267\,428\,526\,476 = 0,39;$$

Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, асосий воситаларни техник ҳолати ёки амортизациялаган коэффициенти 0,39 ни ёки фоизда 39 фоизни ташкил этмоқда.

$$K_{\text{хч}} = T_{\text{АВхдқ}} / A_{\text{Вдбқ}};$$

$$K_{\text{хч}} = 3\,470\,650\,905 / 267\,428\,526\,476 = 0,013;$$

Корхона асосий воситаларидан 24 таси ёки 7 181 526 742 сўмлиги ёхуд жами асосий воситалар қийматида кўчмас мулк объектлари салмоғи 1,3 фоиздан иборат.

$$K_{\text{им}} = A_{\text{Вкм}} / A_{\text{Вдбқ}};$$

$$K_{\text{им}} = 7\,181\,526\,742 / 267\,428\,526\,476 = 0,027$$

Юқоридаги коэффициентларни ҳисоблаш натижалари корхонанинг асосий воситалари ҳаракати ва уларнинг техник ҳолатини тавсифлайди. Кўрсаткичларнинг қийматлари динамика ва статистикада таққосланади. Коэффициентларни горизонтал ва вертикал баҳолаш асосида хулосалар чиқарилади ҳамда асосий воситалар бўйича тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада асосий воситалар қийматини балансда акс эттирилиши ҳозирги кун талабига, яъни асосий воситалар бўйича ахборотларни тўлиқ очиб бермайди. Чунки, айрим жиҳозлар ёки ускуналарни ҳақиқий(адолатли) қийматини аниқлаш учун фаол бозор мавжуд бўлган холда, асосий воситаларни тарихий(дастлабки) қийматидан жамғарилган амортизация қийматини чегириш орқали балансда акс эттирилган. Бу ҳолат кўчмас мулк объектларида ҳам ўз аксини топган. Бу ўз навбатида потенциал инвесторни инвестицион қарорлар қабул қилишида корхонани инвестицион жозибадорлигини пасайтиради.

Биз юқорида асосий воситаларни ҳаракати ва ҳолати бўйича молиявий таҳлил кўрсаткичларини айримларини кўриб чиқдик. Бу кўрсаткичлар рўйхатини яна кенгайтириш мумкин. Масалан, асосий воситаларни турли рисклардан суғурталанганлиги, қай даражада энергия тежамкорлиги, экологияга таъсир даражаси ва бошқа кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичларни тадқиқотларимиз давомида албатта кўриб чиқамиз.

**Хулоса ва таклифлар.** Корхонанинг асосий фондларининг ҳаракатланиш жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш орқали асосий воситалар билан таъминланганлик даражасини (миқдори, ассортиментини, улардан фойдаланиш даражаси) аниқлаш мумкин.

Буларнинг барчаси корхонанинг асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида захираларни топиш учун зарурдир.

Асосий воситаларни таҳлил қилиш - бу вақт ўтиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган корхона активларини баҳолаш ва текшириш жараёнидир. Асосий воситаларга тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган бинолар, жиҳозлар, транспорт воситалари, компьютерлар ва бошқа моддий бойликлар киради. Асосий воситаларни таҳлил қилишнинг баъзи асосий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Асосий воситаларни қийматини назарда тутиш: бунда уларни дастлабки қиймати, амортизация қиймати, қолдиқ қиймати ва балансда акс эттириш мақсадида ҳаққоний бозор (адолатли) қийматини эътиборга олиш лозим;

Амортизация сиёсатини баҳолаш: ҳисоб сиёсатида асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисобга усулларини асосли танланганлигига баҳо бериш, уларни қонунлар ва бухгалтерия стандартларига мувофиқлигини текшириш;

Асосий воситалар яроқлилиги даражасини баҳолаш: активларнинг эксплуатация жараёни бошида, ўртасида ёки охирида эканлигини баҳо бериш, уларни замонавий, инновацион даражаси, энергия тежамкорлиги ва атроф-муҳит(экология)га таъсири бўйича гуруҳлаш. Бу асосий воситаларини алмаштириш ёки янгилашни режалаштириш учун муҳимдир;

Рисклар ва суғурта: Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ хавфларни баҳолаш ва уларнинг шикастланиш, ўғирланиши ёки қийматини йўқотиши каби турли таҳдидлардан суғурталанганлигини текшириш ва суғурталаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини баҳолаш: асосий воситаларни тан олиш, ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартибларини қонунлар ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқлигини текшириш.

Асосий воситалар молиявий таҳлилини амалга ошириш, хусусан уларни ҳолати ва ҳаракати кўрсаткичларини баҳолаш корхонага активларни бошқариш, харажатларни оптималлаштириш ва узоқ муддатли бизнес фаолиятини барқарор ривожлантириш бўйича самарали иқтисодий қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Ўзбекистон Республикасини Солиқ кодекси. 2020 й.
2. “Асосий воситалар” номли 5-сон БҲМС.
3. “Асосий воситалар” номли 16-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти.
4. Шеремет А. Д. Бухгалтерский учет и анализ: учебник / А. Д. Шеремет, Е.В.Старовойтова; под общ. ред. проф. А.Д.Шеремета. – 3- е изд., перераб. и доп. – Москва: ИНФРА-М, 2020. – 472 с. – ISBN 978-5-16- 015482-4.
5. Селезнева Н.Н. Финансовый анализ. Управление финансами: учеб. пособие. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 639 с. – ISBN 978-5-238-01251-3.
6. Сироткин С.А. Бухгалтерский учет и анализ: учебник– Москва: ИНФРА-М, 2021. – 355 с. – ISBN 978-5-16-013703-2
7. Петров В.Б., Кавалев В.В. Как читать баланс. М-фия. Москва, 1993 г.
8. Э.А.Акрамов. “Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили”; Ўқув қўлланма. Т.; “Молия” нашриёти, 2003 йил. 224-бет.

9. А.В.Ваҳобов, А.Т.Ибрагимов. “Молиявий таҳлил” / Дарслик; Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2002 й.
10. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили / Муал.: И.Т.Абдукаримов, М.К.Пардаев, Б.И.Исроилов — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 2003.- 256 бет.
11. Кудбиев, Д. (2022). Особенности Учета Основных Средств В Узбекистане. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 11, 142-149.
12. Курбонова, Ш. А. (2023). ОСНОВЫ УЧЕТА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ. In *Устойчивое развитие: анализ тенденций российской и мировой экономики* (pp. 381-384).
13. Qurbonova, S. (2023). O 'ZBEKISTONDA MOLIVAVIY HISOB VA HISOBOTNI MHXSLARIGA TRANSFORMATSIYA QILISHDA ASOSIY VOSITALAR HISOBINI TASHKIL ETISH MASALALARI.
14. Кудбиев, Д., & Мамарасулов, Д. (2024). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ В СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ. *Nashrlar*, 81-84.
15. Исманов, И. Н., & Савинова, Г. А. (2021). Сопоставление Некоторых Аспектов Национальных Стандартов Бухгалтерского Учета и МСФО. *Central Asian Journal Of Innovations On Tourism Management And Finance*, 2(11), 14-19.
16. Ibragimova, Z. Z. (2023). IFRSGA MUVOFIQ ASOSIY VOSITALARNI BO'YICHA XARAJATLAR HISOBINI TASHKIL ETISHNING ASOSIY XUSUSIYATLARI: IFRSGA MUVOFIQ ASOSIY VOSITALARNI BO'YICHA XARAJATLAR HISOBINI TASHKIL ETISHNING ASOSIY XUSUSIYATLARI.
17. Kunduzova, K. I., Qudbiyev, N. T., & Asatullayeva, N. Y. Q. (2022). Iqtisodiyotning modernizatsiyalash sharoitida asosiy vositalar hisobini takomilashtirish masalalari. *Scientific progress*, 3(3), 837-846.
18. Tohirovich, Q. N. (2024). The Role of Performance Assessment in the Personnel Management System. *American Journal of Integrated STEM Education*, 1(1), 43-51.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/2 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).